



ЖАМИЯТДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Касимова Гуляра Ахматовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Бюджет ҳисоби ва ғазначилик” кафедраси

профессори, иқтисод фанлари доктори, DSc

Аннотация: Мақолада камбағалликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, жамиятда камбағалликни келиб чиқиш сабаблари ўрганилган. Янги Ўзбекистон – “ижтимоий давлат” тамойилига мувофиқ, мамлакатда ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизimini такомиллаштириш тўғрисидаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида камбағалликни камайтириш чора-тадбирлари ёритилган.

Калит сўзлар: Давлат бюджети харажатлари, ижтимоий сиёсат, таълим, инсон капитали, ижтимоий ҳимоя тизими, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш тизими, камбағаллик.

Ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ижтимоий ҳимоя қилиш ижтимоий давлатнинг пойдеворидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш,



аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

“Ижтимоий давлат – инсоният тарихий тараққиётининг муайян даври маҳсули, давлатчилик ривожининг махсус босқичидир. Шунингдек, ижтимоий давлат – сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, oilалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат моделидир”[11].

“Ижтимоийлик”нинг асосий шарти инсонга унинг қадри, шаъни ва эркини асраб-авайлаб муносабатда бўлишдир. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалда тўла таъминланиши ва бу кафолатланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлатнинг моҳияти унинг оқилона ижтимоий сиёсатни амалга оширишида, айниқса, инсон ва жамият манфаатларига мос ижтимоий функцияларни изчил адо этишида намоён бўлади. Шу боис бундай давлат фаолиятининг муҳим қисмини ижтимоий вазифаларни бажариш ташкил этади. “Янги Ўзбекистонни – “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш мақсад қилиб олинган. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш ва камбағалликни қисқартириш, демакдир” [8].

Иқтисодий адабиётларда “камбағаллик – бу турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳолининг кўрсаткичи, ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусиятдир” [10], деб таъриф берилади. Камбағаллик нисбий тушунча



ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Депривацион ёндашув бўйича камбағаллик тушунчаси нафақат ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслик ва даромадларнинг етишмовчилигини, балки сифатсиз овқатланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдалана олмаслик ҳамда муносиб уй шароитларига эга бўлмаслик каби шароитларни ҳам ўз ичига олади.

Камбағалликнинг нисбий даражаси – бу ушбу давлат (минтақада) турмуш кечиришнинг ўртача даражаси учун талаб қилинадиган истеъмол саватининг энг кам миқдори даражасини кўрсатади. Нисбий камбағаллик фақат жисмоний эҳтиёжларнигина эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олади.

Камбағалликнинг партиципатор баҳолаш (КПБ) – камбағалликнинг кишилар ўзларининг чорасизлиги ва ижтимоий камситилишини қабул қилишини назарда тутадиган сифатий жиҳатларини қайд этиш учун партиципатор тадқиқотлар усулидан фойдаланиш методи. Камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш учун қандай чоратadbирлар кўриш зарур эканлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун аҳолининг камбағал, ночор қатламлари ва уларнинг жамоаларини жалб қилишда Камбағалликнинг партиципатор баҳолаш жуда фойдали воситалардир. Камбағаллик чегараси, нисбий расмий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳолининг фоизлардаги улушига тааллуқлидир. Камбағаллик сабаблари турлича бўлиб, улар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

- а) иқтисодий (ишсизлик, иш ҳақининг камлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, ишчи ва ходимнинг иш билан банд бўлган тармоқнинг рақобатбардош эмаслиги);
- б) ижтимоий-тиббий (ногиронлик, қарилик, касалланиш даражасининг юқорилиги);
- в) демографик (тўла бўлмаган оилалар, оилада боқимандаларнинг кўплиги);
- г) ижтимоий-иқтисодий (ижтимоий кафолатлар даражасининг пастлиги);
- д) таълим-малака (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги);



е) сиёсий (ҳарбий можаролар, мажбурий миграция);

ё) минтақавий- жўғрофий (минтақаларнинг бир хил ривожланмаганлиги).

Дунёдаги мураккаб ва ноаниқ вазият, жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келмоқда. Давом этаётган геосиёсий кескинликлар, глобал иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви ва юқори инфляция шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлигича қолмоқда. «2024 йилга мўлжалланган прогнозга кўра, иқтисодий ўсиш суръати 5,6–5,8 фоизни ташкил этади. 2025–2026 йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари мос равишда 6,2 фоиз ва 6,4 фоизгача ошиши кутилмоқда. 2024 йилги Давлат бюджети харажатлари 312 921 млрд сўм миқдорида режалаштирилган бўлиб, унинг 48,4 фоизи ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади»[11].

Давлат бюджети маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишларига қўшимча равишда ривожлантириш дастурлари кесимида харажатлар, шунингдек барқарор ривожланиш миллий мақсадларини амалга оширишга харажатлар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатлар мавжуд. Давлат бюджетининг 2024 йил учун харажатлари 312 921 млрд сўм ёки ЯИМнинг 24,0 фоиз (2023 йилда 282 133 млрд сўм ёки ЯИМнинг 26,6 фоиз) этиб прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида тармоқ ривожланиш дастурларини амалга оширишга сарфланадиган харажатлар оширилади.

Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш йўналиши 2020 йилда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Биз Ўзбекистоннинг янги тарихида илк бор камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни бутун дунёга очиқ эълон қилдик ва уни



қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик”¹ [10]., дея муваффақиятли халқаро тажрибадан келиб чиқиб, камбағалликни қисқартиришнинг таъсирчан воситаларини амалиётга жорий этиш, уни ҳисоблашнинг мезон ва усулларини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини ошириш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, кабағалликни камайтириш, ижтимоий-маданий соҳаларни янада ривожлантириш ва аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳар доим Ҳукуматимиз эътибори марказидадир. Ўзбекистонда 2025 йил жамиятимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг мантикий давоми бўлиб, иқтисодиётимизнинг салоҳияти, барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлашда, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ишларимизда янги ва юксак босқич бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 60-сон Фармони. [2022 йил. 28 январь.](#)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ”ги ПФ-27-сон Фармони. 2023 йил. 28 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 158-сон Фармони. 2023 йил. 11 сентябрь.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: О_zbekistonI нашриёти, 2021. – Б.51.



4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузаси. 2020 йил. 23 сентябрь.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил. 30 декабрь.
<https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022.
<https://president.uz/uz/lists/view/5774>
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O_zbekiston|| нашриёти, 2021. – Б.51.
8. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Ўқув қўлланма. Тошкент.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2017. - Б.261-262.
9. Обломуратов Н. Х. Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуришнинг тарихий-ижтимоий жihatлари. “Yangi O‘zbekiston huquqiy, dunyoviy va ijtimoiy davlat sifatida rivojlanishining ijtimoiy, falsafiy, iqtisodiy va siyosiy masalalari” (E)ISSN: 2181-1784 4(21), May, 2024 www.oriens.uz . -Б.38-45.
10. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (Марказ) J-PAL Europe / Париж иқтисодиёт мактаби (ПИМ) билан биргаликда "J-PAL ва Ўзбекистон: камбағалликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик ва тажриба алмашишнинг бошланиши" мавзусидаги илмий-методик семинар маълумотлари.
11. <https://www.imv.uz/> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари